

(1681-йил - Бухоро - 1711-йил 16-март)
(1702-1711)

Бухоро хони, аштархонийлар сулоласидан. Субхонкулихоннинг ўгли. Бухорода мадраса тахсилени олган. Субхонкулихон вафоти арафасида валиахд килиб невараси Балх хокими Мухаммад Муқимхонни тайинлайди. Бирок Бухоро уламулари ва қўшиннинг мададига таянган Убайдуллахон II Бухоро тахтини эгаллайди (1702-йил сентябр). Балх хокими Мухаммад Муқимхоннинг оталиги ҳисобланган Махмуд катагон (Махмудбий оталик) Бухорога бўйсунмасликдан ташкари Кубодиён (1703), Термиз (1704)ни ҳам Балхга қўшиб олиб, Балхни мустақил деб эълон қилган. Бекларнинг сарой фитнаси натижасида Мухаммад Муқимхон ўлдирилган (1707-йил март), Убайдуллахон II Балх устига катта қўшин билан юриш қилади ва шаҳарни эгаллайди (1707-йил 27 май). Убайдуллахон II мураккаб шароитда Бухоро хонлигини бошқарган. Иқтисодий таназзул ва ички низолардан ташкари жунгорлар (калмоқлар)нинг ҳарбий босқинлари (мас., Самарқандга ҳужум, калмоқлар ҳуружидан қочган қозоқлар ва қорақалпоқларнинг Мовароуннахр ҳудуди (Тошкент ва бошқа жойлар)га қўчиб келиши вазияти яна ҳам мураккаблаштирган. Ана шундай шароитда Убайдуллахон II давлатнинг иқтисодий негизини мустаҳкамлашга қаратилган чоралар қўрган. Аввало у маъмурий соҳада ислохотлар ўтказиб, давлатни бошқаришга ўрта табақа: ҳунармандлар ва савдогарларни жалб қилган. Убайдуллахон II ҳатто марказий ҳокимиятни қучайтириш учун йирик ер эгаларининг имтиёзларини қисқартирган (мас., Жўйбор хожалари солиқ тўлашга мажбур қилинган). Бирок Жўйбор шайхлари катта сиёсий қуч бўлиб, Убайдуллахон II ўтказаяётган сиёсат учун хатарли муҳолифга айланишган. Убайдуллахон II нинг сиёсий фаолиятида пул ислохоти ҳам алоҳида ўрин тутди. Убайдуллахон II пул ислохоти ўтказиш орқали давлат хазинасини тўлдиришни, бебош амирлар, беклар ва уруғ бошлиқлари билан қурашда ўз мақбасини қучайтириш ва айрим маҳаллий ҳокимларнинг айирмачилик интилишларини бартараф қилиб, марказий ҳокимиятни мустаҳкамлашга интилади. Бирок Убайдуллахон II нинг ислохотлари бадавлат табақалар ва айрим ўртаҳол шаҳарликлар томонидан ноҳуш қўлиб олинди. Убайдуллахон II га қарши ғалаёнлар қўтарилди. Убайдуллахон II мамлакатда ободончилик ишларига эътибор қаратган. У мадраса ва Бухоронинг ғарбида Хонобод чорбоғи (1709)ни барпо қилган. Тарихчи Мир Мухаммад Амин Бухорий унинг саройида бош мунший бўлиб, Убайдуллахон II нинг сиёсий фаолияти ҳақида «Убайдуллонома» (1716) асарини ёзган. Мухаммад Юсуф Муншийнинг «Тарихи Муқимхоний» ва Абдурахмон Толенинг «Тарихи Абулфайзхон» асарларида ҳам Убайдуллахон II фаолияти акс этган. Убайдуллахон II сарой фитнаси натижасида Бухоронинг Пири Мирза чорбоғида ўлдирилган. У Бухоро яқинида - Баҳоуддин мажмуасидаги Дахмаи шохонда отаси Субхонкулихон қабри ёнида дафн этилган.